



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БАА БИЛАН КЕНГ КЎЛАМЛИ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЯНГИ ЙЎНАЛИШЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТДИ



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 10 июнь куни Бирлашган Араб Амирликларининг ҳукумат ишлари бўйича вазири Муҳаммад бин Абдуллоҳ ал-Гаргавий бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.

Ўзбекистон ва БАА ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлики янада ривожлантириш ва уни янги амалий мазмун билан бойитишнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Вазир Муҳаммад ал-Гаргавий давлатимиз раҳбарига Амирликлар Президенти Шайх Муҳаммад Ол Наҳаён ва БАА Бош вазири, Дубай амириги ҳокими Шайх Муҳаммад Ол Мактумнинг саломини ва энг эзгу тилаklarини етказди.

Бирлашган Араб Амирликлари ҳукумати Янги Ўзбекистонда амалга

оширилаётган кенг миқёсли ислоҳот ва янгиланишлар дастурини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётгани, унинг самарали рўёбга чиқарилишида зарур кўмакни кўрсатишга тайёрглиги таъкидланди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон — БАА муносабатлари жадал ривожланиб бораётганини қайд этиш жоиз. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари ва инвестициялар ҳажми ўсмоқда. Жумладан, жорий йил бошдан ўзаро савдо икки баробарга кўпайди, мамлакатимизда 45 та янги қўшма корхона ташкил этилди.

Иқтисодий ҳамкорлики мувофиқлаштириш ва илгари суриш бўйича таъсирчан тизим асосида Амирликларнинг етакчи компания ва ташкилотлари иштирокида инвестициялар ҳажми қарийб 3 миллиард доллар бўлган 17 та йирик лойиҳа амалга оширилмоқда.

"Mubadala" компанияси билан ҳамкорликда Талимаржон иссиқлик электр станцияси қувватларини кенгайтириш, "Masdar" компанияси билан эса юртимиз ҳудудларида шамол ва қуёш электр

станцияларини қуриш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Етакчи "DP World" компанияси билан "Навий" мультимодал хаби ва иқтисодий зонасини ривожлантириш, шунингдек, божхона маъмуриятчилиги тизimini модернизация қилиш масалалари ишлаб чиқилмоқда.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, логистика, рақамлаштириш ва бошқа йўналишларда қатор йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Музокаралар чоғида давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш борасидаги, "Бир миллион дастурчи" дастури ва Ижтимоий-иқтисодий ислохотлар акселератори фаолияти доирасидаги ҳамкорлиқнинг амалий натижалари катта мамнуният билан қайд этилди.

Инновациялар ва сунъий интеллект соҳаларида ҳамкорлик қилиш, муҳим тармоқларни ислоҳ қилиш, давлат бошқарувини янада такомиллаштириш ва замонавий кадрларни тайёрлаш

юзасидан мулоқотни кенгайтириш узоқ муддатли шериклиқнинг янги йўналишлари сифатида белгиланди.

Қабул қилинган қарорлар ва учрашувда илгари сурилган ташаббусларни тўлиқ амалга ошириш бўйича қўшма "йўл харитаси"ни қабул қилишга келишиб олинди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

ҚАЙТА ТИКЛАНУВЧИ ЭНЕРГИЯДАН ФОЙДАЛАНИШ УМУММИЛЛИЙ АҲАМИЯТГА ЭГА

Президент Шавкат Мирзиёев раислигида 10 июнь куни қайта тикланувчи энергиядан фойдаланишни кенгайтириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Мамлакатимизда инсон кадрини улурлаш барча ишларда устувор тамойил этиб белгиланган. Одамларнинг яхши яшаши учун энг зарур манбалардан бири эса бу энергия. Сўнгги йиллардаги ислохотлар натижасида бу соҳадаги узилишлар анча камайди. Лекин куз-қиш мавсумида аҳолининг энергияга бўлган эҳтиёжи кескин ошishi сабабли барча огирлик электр тармоқларига тушмоқда.

Бугунги кунда юртимизда 2-3 миллиард киловатт соат электр энергиясига қўшимча талаб бор. Келгуси беш йилда эса бу эҳтиёж 10 миллиард киловатт соатга ошishi кўтилмақда.

Бундай вазиятда энг самарали йўл уй, корхона, боғча, мактаб ва шифохоналарда муқобил энергиядан фойдаланишни кўпайтиришдир.

Шу боис, йиғилишда қайта тикланувчи энергия усулларини кенг жорий этиш, бу борада аҳолини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари муҳокази белгиланди.

— Бугунги масала умуммиллий аҳамиятга эга. Бу ишларни авваламбор ўзимиздан бошлашимиз керак. Ҳар бир ҳоким, вазир, барча даражадаги раҳбарлар шахсий намуна кўрсатиб, ўз уйи, ишхонасида муқобил энергия усулини ўрнатиши зарур, — деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борада аҳоли ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун янги тизим белгиланди. Ушбу тизимга кўра, ҳар бир ўрнатилган қуёш ва шамол электр ускунаси учун, қувватига қараб, 15 миллион сўмга, сўв иситиш қурилмаси учун эса 2 миллион сўмга, сўв иситиш қурилмаси ўнатса, давлатдан 2 миллион сўм компенсация олади. Бунда ҳар ой кетган қаражат иқтисод бўлиши ҳисобига, сўв иситиш қурилмаси 21 ойда пулини оқлайди ва "ёнга қолади".

Масалан, бир оила сўв иситиш учун бир ойда ўртача 195 минг сўм харажат қилади, дейлик. Энди улар 6 миллион сўм эвазига 200 литрли қуёш қурилмаси ўнатса, давлатдан 2 миллион сўм компенсация олади. Бунда ҳар ой кетган қаражат иқтисод бўлиши ҳисобига, сўв иситиш қурилмаси 21 ойда пулини оқлайди ва "ёнга қолади".

Агар, оила компенсацияни эмас, бўлиб-бўлиб тўлашни танласа, ойлик тўлов 170 минг сўм бўлади. Яъни ҳозирги тўловдан ҳам кам бўлади ва уч йилдан кейин иссиқ сўв учун умуман харажат қилмайди.

Яна бир қўлай томони, одамлар бунинг учун бирон-бир идорага бориб юрмайди. Ҳамма ҳужжатлар ускуна харид қилинадиган жойининг ўзида ҳал этиб берилади. Бу тизим Энергетика вазирлигининг махсус жаамгармаси орқали жорий этилади.

Давлатимиз раҳбари барча жараёнларни рақамлаштириб, ушбу янги тизимни 1 сентябрдан йўлга қўйиш бўйича кўрсатма берди.

Алоҳида эътибор эҳтиёжманд оилалар, олис ва чекка ҳудудларини шундай энергия манбалари билан таъминлаш масаласига қаратилди. "Янги Ўзбекистон" массивларида қурилаётган кўп қаватли уйлар, "Обод қишлоқ" ва "Обод маҳалла" дастурлари доирасида кўча чироқларига муқобил энергия ускуналари ўрнатиш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда жойлардаги ижобий тажрибалар ҳам кўрсатиб ўтилди.

Мисол учун, Қорақалпоғистон Республикасининг Ҳўжайли туманидаги 3-мактаб-интернатда 12 киловатт қувватли қуёш панеллари ва 1 тонна сўвни иситиш ускуналари ўрнатирилган. Натижада ушбу муассаса йилига 30 миллион сўмлик электр энергияси ва табиий газ иқтисод қилмоқда.

Менделеев номидаги кимё-технология университетининг Тошкент шаҳридаги филиалида ҳам қуёшдан қувват олувчи 100 киловаттли ускуна ва 36 та сўв иситиш қурилмаси ўрнатирилган бўлиб, йилига қарийб 2 миллиард сўмлик электр энергияси тежалмоқда.

Бундай ишларни оммалаштириб, мактабга таълим муассасалари, мактаб, тиббиёт ва бошқа ижтимоий объектларда босқимча-босқим муқобил энергия ускуналари ўрнатиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, 2023 йилдан савдо ва кўнгилочар мажмуалар, ресторон, меҳмонхона, ёқилги қўйиш шохобчалари, аэропорт, вокзал, тижорат банклари каби

қўллаб биноларда иссиқ сўв таъминоти ва ташқи ёритишнинг бир қисмини муқобил энергия ҳисобидан қоплаш талаби киритилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, бир йилда Ўзбекистонда 10 миллиард долларлик электр ва газ истеъмол қилинади. Мисол учун, ўтган йили энергия ресурсларига Сўв ҳўжалиги вазирлиги 3 триллион сўм, халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимлари 200 миллиард сўмдан бюджет маблағларини сарфлаган.

Президент барча вазирлик ва идора, ҳокимлик, маҳалла биноларини ҳам муқобил энергияга ўтказиш вақти келганини таъкидлади.

Шу боис, Молия вазирлигида давлат идораларида энергия ресурслари истеъмол бўйича меъёерларни белгилаш, иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий объектларда Энергия тежамкорлик миллий дастурини ишлаб чиқиш топширилди. Бундан буён мақбул энергия қурилмаларига талаб ошишини ҳисобга олиб, уларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Халқимизни қўшимча энергия билан таъминлашнинг яна бир манбаси гидроэлектр станцияларидир. Бу қувватни ошириш учун ҳудудларда микро ва кичик гидроэлектр станцияларига мос майдонлар белгиланиб, жами 56 мегаваттли 200 та лойиҳа ишлаб чиқилган.

Давлатимиз раҳбари улар бўйича хусусий шериклик лойиҳаларини бошлаш кераклигини таъкидлади. Бунда тадбиркорлар учун жозибадор тарифлар белгиланади ҳамда ер участкаси аукцион қоидабга узоқ муддатли ижарага берилади. Қуёш, шамол ва микроГЭСларнинг ортиқча электр энергияси камидда 10 йил давомида давлат томонидан кафолатли харид қилинади.

Йиғилишда мутасадди раҳбарлар ва тадбиркорлар кун тартибидаги масаланинг аҳамиятини таъкидлаб, ўз тизимидаги режаларни баён этди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАННИНГ 85 ЙИЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда миллий мусиқа ва қўшиқчилик санъатини ривожлантириш, халқимизнинг бой маънавий мероси ва анъаналарини асраб-авайлаш ҳамда жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишга қўшган муносиб ҳиссаси, талаба ёшларга ўзбек ва жаҳон мунотоз санъати дурдоналари ва замонавий ютуқларини ўргатиш, уларнинг ижодий қобилиятини рўёбга чиқариш, юксак профессионал маҳорат ва малакага эга бўлган соҳа вакилларини тайёрлаш борасидаги катта хизматлари, юртдошларимизнинг маданий савиясини ошириш, фарзандларимизни

Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўлидаги самарали фаолияти, шунингдек, ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист” фахрий унвони билан

Файзиева Мадина Мухсиновна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг махсус фортепиано кафедраси мудири

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвони билан

Абдуллаева Инна Анваровна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг факультетлараро фортепиано ижрочилиги кафедраси профессори
Мухамедова Галина Иминовна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси профессори

Давоми 2-бетда



Барча миллат ўз тарихий тараққиёти, эволюцион ривожланиш босқичларига эга. Минг йилликлар мобайнида ҳар бир замон ўз дунёқараши, ҳаётга муносабатлари жиҳатидан инсон камолотининг ўзига хос даврини белгилайди.

Муайян маконда ўрнашган дастлабки одамлар турмуш шароитини яхшилаш, кундалик эҳтиёжларини қондириш мақсадида ўз яшаш тарзига, анъаналарига эга бўлган. Табиий муҳит, ҳаётга муносабат йиллар давомида муайян аймоқнинг ўзига хос қоидаларига, расм-русумларига айланган. Ана шу умумэтироф этилган қоидаларга ҳамма бирдек бўйсунган, риоя қилган. Шу ҳолатнинг ўзи миллий менталитетнинг, миллий ўзига хосликнинг, миллий колоритнинг дастлабки куртақлари эди.

Халқлар ривожланиш жараёнида инсон тафаккурининг янгидан-янги қирралари очилган. Унинг интеллектуал салоҳияти, онгу шуури ҳаётини эҳтиёжлар орқали ривожланиб борган. Ривожланиш жараёни умумий тарзда муайян маконда яшаб келган одамларнинг руҳиятини, кайфиятини, орзу-умидларини, мақсад ва интилишларини шакллантирган. Ўзбек халқи ҳам бошқа халқлар қатори ана шундай узундан-узоқ, гоёта шуқуҳли, айрим пайтларда ситамли тараққиёт йўлини босиб ўтган.

Бундан уч минг йиллар олдин қадимий Хоразмда зардуштийлик дини ибтидоий ҳаёт шароитида, антик даврда цивилизациявий ҳодиса сифатида дунёга келди. Умуман олганда, дунёвий динларнинг барчасида цивилизациявий моҳият бор. Динлар дунёга келган пайтда у тарқалган ҳудудда яшаётган одамлар тафаккурида ўзига хос бурилиш, онгида янгиланиш ҳодисаси юз берган. Одамлар қарашлари, ҳаётга муносабати ўзгарган.

Давоми 3-бетда



Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 85 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАРДАН БИР ГУРУХИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими” фахрий унвони билан

Галушенко Ирина Георгиевна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа тарихи ва танқиди кафедраси профессори
Мансуров Аваз Максудович — Б.Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ректори

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Абдурахимова Фируза Равшановна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг оркестр дирижёрлиги кафедраси профессори
Ризаева Мукадас — Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси профессори

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Абдуллаев Рустамбек Самигович — Ўзбекистон давлат консерваториясининг Ўзбек мусиқаси тарихи кафедраси профессори

Матякубова Светлана Кахаровна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа назарияси кафедраси профессори
Хакимова Африда Ходжаевна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хор дирижёрлиги кафедраси профессори

II даражали “Соғлом авлод учун” ордени билан

Мухтарова Флора Шаахмедовна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа назарияси кафедраси профессори
Расулова Татьяна Салиховна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг ўзбек тили ва ижтимоий фанлар кафедраси профессори

“Дўстлик” ордени билан

Грингоф Анна Генриховна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг камер мусиқаси кафедраси доценти
Джумаева Люба — Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хор дирижёрлиги кафедраси профессори
Измаилов Али Муслимович — Ўзбекистон давлат консерваториясининг пуфлама ва зарбли чолғулар кафедраси доценти

Каллиев Абатбай Нагметуллаевич — Ўзбекистон давлат консерваториясининг Нукус филиали академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси ўқитувчиси
Матвеева Елена Николаевна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг торли чолғулар кафедраси доценти

“Содиқ хизматлари учун” медали билан

Атаджанов Мухаммад Абдушарипович — Ўзбекистон давлат консерваториясининг академик хонандалик ва опера тайёрлови кафедраси доценти
Насирова Юлдуз Мирхамедовна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа тарихи ва танқиди кафедраси профессори
Ходжаева Рўзиби Мадиевна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси профессори

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2022 йил 9 июнь

“Келажак бунёдкори” медали билан

Махаров Нодирбек Толқунлович — Ўзбекистон давлат консерваториясининг композиторлик ва чолғулаштириш кафедраси катта ўқитувчиси

“Шухрат” медали билан

Аббасова Мавжуда Шариповна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг оркестр дирижёрлиги кафедраси етакчи хор артисти
Ахунджанова Наталья Адиповна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг мусиқа назарияси кафедраси катта ўқитувчиси
Икрамов Илхам Иногамович — Ўзбекистон давлат консерваториясининг халқ чолғуларида ижрочилик кафедраси профессори
Касимова Малика Бахритдиновна — Ўзбекистон давлат консерваториясининг концертмейстерлик маҳорати кафедраси профессори

Ш. МИРЗИЁЕВ

бўлган маърифий пойдевор асосида шаклланди, десак муболага бўлмайди. ШХТга аъзо давлатлар мусиқий олий таълим муассасалари ректорларининг биринчи форуми иштирокчилари Ўзбекистон давлат консерваторияси мисолида мамлакатимизда мусиқа таълимига қаратилаётган амалий эътибор билан танишдилар. Айтиш жоизки, мазкур форумнинг ўтказилиши Ўзбекистон мусиқа таълими ривожини янги босқичга олиб чиқиб, ҳамкорлар билан биргаликда таълим тизимида замонавий йўналишлар очиб, ШХТ давлатлари ўқитувчиларининг олий ўқув юртларро малакаси ва тажрибасини ошириш, дўстона алоқаларни мустаҳкамлаш имконини бергани билан аҳамиятли бўлгани аниқ. ...Мумтоз мусиқанинг мўъжизакор оҳанглари янграйди. Очик осмон остида ўтказилган мусиқий тадбирда жаҳон ва ўзбек композиторларининг энг сара асарлари меҳмонлар, санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола этилди. Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчилари Абдужаббор Абдувоҳидов, Хайридин Султонов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг навбатдаги мажлисида Навоий вилояти ҳокимлигининг “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ижросини таъминлаш борасида амалга ошираётган ишлари ва мавжуд ҳолатдан келиб чиққан ҳолда бажарилиши лозим бўлган вазифалар тўғрисидаги ҳисобот эшитилди.

Мажлисида Навоий вилояти ҳокимлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Ички ишлар, Халқ таълими ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари томонидан хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, тазйиқ ва зўравонликка учраган шахсларга ҳимоя ордери бериш борасида қўрилаётган чоралар ҳамда ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини янада ошириш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар қайд этилди. Шу билан бирга, Қонун ижросига масъул ваколатли органларнинг ҳамкорликдаги фаолияти самарадорлиги етарли даражада эмаслиги таъкидланди.

Мажлисида Навоий вилояти ҳокими в.б. Н.Турсуновга “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган талаблар етарлича бажарилмаётгани ва жойларда ушбу қонуннинг сифатли ижро этилиши ҳамда бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш самарадорлиги учун шахсан масъул экани қўрсатиб ўтилди.

Шу билан бирга, муҳокама довомида тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда Навоий вилояти ҳокимлиги эътибори хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишларни янада такомиллаштиришга қаратилди, хусусан:

Биринчи — мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти юзасидан аҳоли ўрта-сида тарғибот-ташвиқот ишларини фаоллаштириш, жамиятда хотин-қизларнинг зўравонликдан холи бўлиш ҳуқуқларидан хабардорлигини оши-

ришга қаратилган алоҳида чора-тадбирлар ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этиш;

Иккинчи — тазйиқ ва зўравонликнинг олдини олиш, хотин-қизлар ҳаёти, соғлиғига зарар етказадиган хавфни бартараф этиш, тезкор чоралар қўришни талаб қиладиган ҳаётий вазиятлар юз берганда хотин-қизлар хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек, жабрланувчига нисбатан тазйиқ ўтказган ва зўравонлик содир этган шахснинг тақоран шундай ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларни содир этишига йўл қўймаслик мақсадида ижтимоий, ҳуқуқий ва психологик тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш;

Учинчи — зўравонликдан жабрланган хотин-қизлар билан ишлайдиган Аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш ҳамда ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва қамровини кенгайтириш мақсадида чора-тадбирларни амалга ошириш ҳамда ушбу йўналишда уларга ҳар томонлама қўмаклашиш;

Тўртинчи — Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг мазкур йўналишдаги зарур вазифаларнинг самарали бажарилишини ташкил этишга қаратилган баёни билан тасдиқланган чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш, шунингдек, Навоий вилоятида ушбу Қонунни ўрганиш довомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш.

Муҳокамалар якуни бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарори қабул қилинди.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

ОСИЁ ОЛИЙ МОЛИЯВИЙ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ БИЛАН ЯНГИ ФОРМАТДАГИ МУЛОҚОТ

Президентимизнинг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармониغا кўра, Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси олдига Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (ISSAI) асосида республикада янгиланган, самарадор ҳамда фуқаролар иштирокидagi аудитнинг миллий стандартларини ишлаб чиқиш ва назорат тадбирларини ушбу стандартларга мувофиқ ўтказиш вазифаси юклатилган эди.



Ушбу соҳада илғор халқаро тажрибани ўрганиш мақсадида 2021 йил 23 ноябр кунини Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Олий аудит органларининг халқаро стандартлари (INTOSAI)га тўлақонли аъзо сифатида қўшилди. Аъзоликка қабул қилинган даврдан ҳозирги кунга қадар Ҳисоб палатаси хорижий олий аудит органлари иштирокида 20 га яқин халқаро онлайн анжуман, ўқув семинар ва тренингларда иштирок этди. Ушбу тадбирлардан олинган билим ва малакалар Ўзбекистоннинг давлат молиявий назоратини нуфузли халқаро стандартларга мослаштириш имкониятини беради.

Кейинги йилларда Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси халқаро фаолиятининг қўламини ва жўррофияси кенгайиб бормоқда. Кунини кеча яна бир марра забт этилди. Ҳисоб палатаси Осиё Олий аудит органларининг халқаро ташкилоти (ASOSAI) Бошқарув кенгашининг 58-учрашувида ушбу ташкилот таркибига тўлақонли аъзо сифатида қабул қилинди.

ASOSAI 1979 йилда ташкил этилган бўлиб, ҳозирда унинг таркибига 46 та мамлакат олий аудит органлари кирган. Яъни Осиёнинг деярли барча мамлакатлари унга аъзо бўлган.

Ушбу нуфузли ташкилотнинг асосий мақсади — аъзо мамлакатлар орасида давлат аудити соҳасида фикр ва тажриба алмашиш, қўшма илмий лойиҳалар ва назорат тадбирлари доирасида ҳамкорлик қилиш, сифат ва самарадорликни ошириш мақсадида давлат аудиторларининг доимий малакасини ошириш имкониятларини таъминлашдан иборат.

ASOSAI ташкилотига аъзо бўлиш, бу — авваламбор, Ўзбекистон Республикасининг очиклиги ва шаффофлиги тамойилларига асосланиб, халқаро ҳамжамият билан конструктив мулоқоти маъсулликдир.

Ташкилотга аъзолик Ўзбекистонда ташкил қилинган давлат молиявий назорати тизими учун бир қатор тизимли афзалликлари беради, хусусан:

- **унинг салоҳиятини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш;**
- **давлат секторини самарали назорат қилишнинг янги стандартларини ўзлаштириш;**
- **илғор ғоялар ва хорижий тажриба алмашиш;**
- **халқаро ҳамжамият доирасида эътироф этилган жамоатчилик овозига эга бўлиш.**

Мазкур стандартлар мамлакатимизда молиявий назорат жараёнининг шаффофлигини ошириш ва аудиторлик фаолияти сифатини таъминлашга хизмат қилади. Натияжада, бу давлат молиявий назорати органлари ҳамда аудит натижаларига нисбатан кенг жамоатчилик ишончининг ошишига олиб келади.

Ҳисоб палатаси ASOSAIга аъзо бўлган давлатлар олий аудит органлари билан ҳамкорликни кенгайтириб, уни янги босқичга олиб чиқишни режалаштирган.

Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси Матбуот хизмати

КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР

Ватанимиз тараққиёти, халқимиз фаровонлигини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади

Ўзбекистонда конституциявий ислохотлар жараёни қизғин паллага кирди. Шу ўринда бир қатор ўринли саволлар туғилади. Хўш, бугун аҳолининг кенг қатлами Конституциямизда қандай мазмундаги ўзгариш ёки кўшимчалар акс эттирилишини истаяпти? Улар бераётган тақлифлар жаҳон конституционализми ва умумэътироф этилган халқаро меъёрларга қанчалик мос келади? Мамлакат фуқароларининг энг фаол, дунёқараши, мақсади, фикрлари муштарак бўлган муайян қисмини ўз сафида бириштирган ва умумхалқ манфаатлари йўлида фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг бу борадаги иштироки ва позицияси қандай?

Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича тақлифларни шакллантириш ва ташкиллий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссиянинг навбатдаги йиғилишида шу мазмундаги масалалар атрофича муҳокама қилинди.

Йиғилишни олиб борган Конституциявий комиссия раиси Акмал Саидовнинг таъкидлашча, Конституциямизни жамиятдаги бугунги реал воқеликка, шиддатли ислохотларимиз манғитига мослаштириш, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратиш муҳим вазифага айланган.

Маълумот берилганидек, жараён бошланганидан буюн ўтган қисқа вақт ичида Конституцияга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш бўйича 19 минг 188 та тақлиф келиб тушди. Тақлифларнинг салмоқли қисми (13 мингдан ортиқ) электрон шаклда юборилган. Фуқароларнинг тақлифлари нафақат индивидуал тартибда, балки жамоавий шаклда, яъни корхона ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари номидан, шу жумладан, сиёсий партиялардан ҳам тақлифлар

профессор-ўқитувчилари, мусиқашунослар, иқтидорли талабалари Ватанимизнинг юксак ордени ва медаллари билан тақдирланди. Уларга мукофотларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Абдулла Арипов топширди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳақли равишда Марказий Осиёдаги энг қадимий олий мусиқа таълими муассасаси ҳисобланади. Ушбу билим даргоҳи кўп йиллар давомида минтақадаги ягона мусиқа олий таълим муассасаси бўлган. Консерватория тарихи жуда бой ва мазмунли. Бу ерда Ўзбекистон мусиқа маданиятининг кўплаб таниқли намояндалари, профессионал санъат ва мусиқа илмининг даргалари фаолият юритгани диққатга сазовордир.

Ўтган йиллар давомида ушбу олий таълим даргоҳида миллий ва жаҳон мусиқа санъатини мукаммал ўрганиш, тарғиб этиш, бу йўналишда чуқур тадқиқотлар олиб бориш бўйича ўзига хос ижодий платформа яратилди, десак муболага бўлмайди. Устоз композиторлар Мухтор Ашрафий, Юнус Ражабий, Георгий Мусель, Турғун Алиматов, Зоҳид Ҳақназаров, Офелия Юсупова, Саодат Қобулова,

Илём Акбаров ва яна кўплаб фидойи мусиқачиларимиз, олимларимиз ушбу билим даргоҳининг нуфузини юксалтиришда, янги истеъдод соҳибларини аниқлаш ва кашф этишда муносиб ҳисса қўшдилар.

Мазкур олий ўқув юртини тамомлаган мутахассислар, мусиқачилар, дирижёрлар мумтоз ва миллий мусиқа соҳасида мамлакатимиз ҳамда кўплаб хорижий давлатларда самарали педагогик, ижодий фаолият олиб бормоқда. Айни дамда Ўзбекистон давлат консерваториясининг талабалари жаҳондаги нуфузли халқаро танловлар, санъат фестивалларида муваффақият қозонмоқда.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан янги йўналишда таълим берадиган бир қатор мусиқий олий ўқув юртлари ташкил этилди. мавжудларидagi шароитлар замон талаблари даражасига келтирилмоқда.

Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги Ботир Зокиров номидаги Миллий эстрада санъати институти ва бошқа бир қатор санъат олий таълим даргоҳлари айнан ушбу олий ўқув даргоҳи негизда пайдо

амалга оширишда бошқа шахслар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини бузмаслиги кераклиги, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари фақат бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда жамоат тартибини таъминлаш мақсадида чекланиши мумкинлигини конституциявий мустаҳкамлашга доир қатор тақлифлар келиб тушган. Эътиборлиси, аҳоли томонидан келиб тушган тақлифларнинг салмоқли қисмини шахснинг таълими ва кадр-қимматини ҳимоя қилишга доир ташаббуслар ташкил этмоқда.

— Конституцияшунослар олимлар дунё конституцияларини ўрганиб чиқиб, инсоннинг 117 турдаги ҳуқуқини санаб чиққан. Шундан 25 таси айнан жиноят, жиноят-процессуал жараёндаги конституциявий ҳуқуқлар экани аниқланган, — дейди Конституциявий комиссия аъзоси, Ўзбекистон ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари Мирафзал Миракулов. — Қолаверса, дунё конституцияларининг таҳлили шуни қўрсатмоқдаки, барча демократик давлатлар конституциялари инсоннинг шахсий эркинликларини чеклаш, унинг суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан юзага келадиган муносабатларида инсон ҳуқуқларига, ҳуқуқ устуворлигига риоя қилиш масалаларини ўз конституцияларида аниқ, равшан акс эттирган.

Шу билан бирга, Асосий қонунимизда оила институтини ривожлантириш, зғзу инсоний кадриятларини мизини асраб-авайлашга қаратилган нормалари акс эттириш билан боғлиқ тақлифлар кўпчилиги ҳам эътиборлидир.

БУЮК ЎЗБЕК ЙЎЛИ

МАЪНАВИЯТ — МИЛЛАТ ХАЛОСКОРИ



Оқил САЛИМОВ,
академик

Бошланиши 1-бетда

“

МАЪНАВИЙ БАРКАМОЛЛИК МАЪРИФАТЛИЛИКДАН БОШЛанади. МАЪРИФАТЛИ ЖАМИЯТ ҲАР ҚАНДАЙ ИСЛОҲОТЛАРГА ҚОДИР БЎЛАДИ. АНА ШУ ҲАЁТИЙ АҚИДАДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ, ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИНИНГ МУҲИМ МЕТОДОЛОГИЯ АҲАМИЯТГА ЭГА ҚЎЙИДАГИ ФИКРЛАРИНИ ЭСАГА ОЛИШ ЎРИНЛИДир: “Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда иккита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт ҳамда аждоқларимизнинг бой мероси, миллий ва умумбашарий ғояларга асосланган кучли маънавиятга таянамиз. Маънавият — жамиятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифатини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шунча кучли бўлади. Фақатгина ана шундай заминга таянган ҳолда, биз юртимизда учинчи ренессанс асосларини барпо эта оламиз”.



Зардуштийлик дини дастлабки аж-доқларимиз ҳаётига маданият олиб кирди. Маърифий ҳаёт, онгли турмуш тарзига замин яратди. Гиёҳларни босма, ҳашаротларга, қушларга озор берма, сувга тупурма, оловга густоҳлик қилма қабилдаги оддий маиший тарбиявий меъёрлардан тортиб, инсон ва табиат, одам ва олам билан муносабатларгача бўлган глобал ахлоқий меъёрларни турмуш тарзига жорий этиш ғоясини илгари сурди. Кўрган нарсасига эътиқод қўйиб, унга сиғинган, кўпхудолик шароитида бир-бирини маъв этиш билан шугуллан-иб юрган турли қабилалар, уруғлар, аймоқларни бирлаштириб, яқшахудолик ғоясини илгари суриб, йирик жамоалар вужудга келишига, кишилик жамияти дастлабки элементлари пайдо бўлиши-га хизмат қилди. Эътиқодлар бирлиги умумжамоавий моҳият касб этиб, мақ-садлар муштараклигига олиб келди. Бу, албатта, ўзига хос цивилизациявий ҳо-диса эди.

Миллат турмуш тарзи, анъаналари, қадриятлари орқали ўзининг қиёфасини намоён этади. Урф-одатлар, анъаналар миллат руҳияти ижтимоий-психологик оламнинг ўзгинасидир.

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари одамнинг пайдо бў-лиши, унинг генетик асослари, соғлом ва барқамол вужуднинг шаклланиш омиллари хусусида гапирар экан, улўғ аждоқларимиз таълимотида мавжуд бўлган турт унсурга алоҳида эътибор беради. Ҳаво, тупроқ, сув ва қуёш инсон камолотининг асоси, дейди. Йилнинг турт фасли мукамаллиги, табиий му-ҳит, географик шароит инсон танаси ри-вожланишига катта таъсир кўрсатади. Фаслларнинг ўз вақтида ва тўла ҳолда келиши одам руҳияти, кайфияти, қалб кечинмалари тўлақонли шаклланишига имкон беради.

Абу Райҳон Беруний “Қадимги халқ-лардан қолган ёдгорликлар” асарида халқларнинг, миллатларнинг пайдо бў-лиши асослари ҳақида гапирар экан, табиий муҳит, географик шароит, ҳаво ва қуёшнинг қай даражадалиги одам-лар ва миллатлар шаклланишига асос бўлган, дейди. Жамоа бўлиб яшаётган улкан ҳудуддаги одамлар руҳияти яшаш шароити ва табиий муҳит таъсирида шаклланган.

Ўзбек халқи, ана шу талаблардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ер шарининг энг барқамол маканида дунёга келган ва шаклланган. Одамлар руҳия-ти локализация, фикрати тиниклиги, онгу шуури гузаллиги аини шу табиий муҳит билан уйғунлашиб кетган ҳодиса, де-йиш мумкин. Буни илк аждоқларимиз қарашларида яққол кўрамиз. Ҳали ёзув пайдо бўлмаган ибтидоий ҳаёт шарои-тида дастлабки аждоқларимиз ўз мақ-садлари, интилишлари, орзулари ва армонларини оғзаки ифода этган. “Ал-помиш”, “Гўрўғли”, “Қунтуғмиш” сингари ўнлаб достонларни яратган. Уларда эз-гулик ва ёвузлик, муҳаббат ва нафрат, умид ва умидсизлик зиддиятлари, ҳа-сад, қўролмаслик сингари иллатлар ва қатор фазилатлар эҳтирос билан ифо-да этилган. Достонларнинг барчасида

кучли қалб оғриқлари, изтироблари дра-матик тарзда баён қилинган. Уларнинг охирида эса эзгулик, яхшилик, муҳаб-бат ғалаба қилади. Худди шундай ҳолат эртақларда ҳам бор. Ҳар бир эртақ эз-гулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, муҳаббат ва нафрат ўртасидаги ашад-дий тўқнашулар оқимида давом этади ва уларнинг барчаси бир хил якун топа-ди. Яъни яхшилик билан тугайди. “Улар мурод-мақсадларига етишди”, деган гап барча эртақларнинг якуни ҳисобланади. Ана шунинг ўзи илк аждоқларимизнинг ҳаёлоти қай даражада гузал, фикрати теран, орзулари рангин, ниятлари поки-за бўлганини кўрсатади. Бу руҳий пок-лик ўзбек халқининг кўп минг йиллик та-раққиётида асос бўлиб келмоқда.

Иккита буюк цивилизация ҳодисасини кўрган мўътабар маконда бутун бутунлай янги тарихий шароитларда янги Ўзбекистон вужудга келгани, унинг реал воқеаликка айлангани, янги Ренессанс остонасида тургани халқимиз маънавий ва ақлий қудратининг буюк ижодкорлик ва яратувчилик салоҳияти натижасидир.

Биз ахборот хуружи даврида яшап-миз. Ер шарни ахборот тури ичида ба-ликдай типирчилаяпти. Бир-бирига зид, бир-бирини инкор қиладиган, миллий маданиятларни, қадриятларни поймол қиладиган турли ахборотлар кўпаймоқ-да. Маълумот олиш, тўплаш, саралаш ва тарқатиш имкониятлари ақлга сиғмай-диган даражада кенгайиб кетди. Кичи-нагина кўл телефонининг битта мурвати-ни босиш билан Ер шарининг хоҳлаган нуқтасига ахборот юбориш мумкин. Ана шундай тезкор ахборот алмашиши жараёнида ахборотларни танлаш ва саралаш қудратига эга бўлган кучли миллий менталитет, миллий тафак-кур, миллий руҳият, маънавий ирода зарурлигига эҳтиёж сезамиз.

Замонавий цивилизация шарои-тида қирғинбарот урушлар, оммавий қирғин қуроллари ибтидоий ҳодисага айланди. Миллатларни йўқ қилиш ёки уларни забт этишининг беозор ва са-марали воситаси юзага келди. “Юм-шоқ куч” деб аталадиган ҳам жараён миллатлар онига ва қалбига таъсир этиш йўли билан уни ўзлгидан айи-риш, миллий қадриятлардан узоқ-лаштириш, ўтмиши ва аждоқларини танимайдиган манкуртга айлантириш, тенденциясини кучайтириб юбормоқ-да. Шундай ғоят хавфли, мафкуравий, ғоявий бўҳронли жараёнда **миллат-нинг ўзини ўзи асраш инстинктини, ички даъватини, қалб ҳайқирғи-ни кучайтирмоғимиз лозим**. Бунинг учун фақат маънавият ва маданиятга эътиборни кучайтириш, уни тарғиб қилишнинг самарали воситалари, усуллари ва услубларини, замонавий ва таъсирчан технологияларини жо-рий этиш мақсадга мувофиқ.

Ҳар бир инсонда миллатга мансублик, ўтмишга дахлдорлик, истиқболга умид ва катта ишонч билан интилиш туйғуси бор. Фақат бу ноёб туйғу ҳар кимда ҳар хил. Бировда кўпроқ, бошқасида камроқ. Хусусан, замонавий шароитда ёшлар

дунёқарашини ўзгартириш, миллий қад-риятлардан узоқлаштириш, миллатга мансублик ҳиссиётини ўлдирш осон. Чунки улар ҳали катта ҳаётий тажриба-га ва аниқ позицияга эга эмас. Биологик, физиологик ва интеллектуал жиҳатдан қараганда ёшига муносиб равишда улар-да ақлдан кўра ҳиссиёт кучлилик қилади. Бундай пайтда уларни йўлдан уриш, хоҳ-лаган қўйга солиш, онига исталган ғояни сингдириш осон кечади. Мамлакатимиз аҳолисининг асосий кўпчилигини ёшлар ва болалар ташкил этган бир пайтда бу



“

Узоқ йиллар мобайнида миллий қадриятларга беписандлик билан қараш ва тоталитар режимнинг турли ғайрининсоний қарашлари оқибатида ўзбек генофонди геноцидга айлана бошлаган эди. Бугун янги Ўзбекистонда ушбу масалага катта эътибор берилмоқда. Ҳар томонлама соғлом, интеллектуал жиҳатдан бақувват, ижодкорлик, бунёдкорлик имкониятлари кенг барқамол миллатни вужудга келтириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса ҳаммамиз учун ғоят шарафли, дилларни қувнатадиган, кўзларни яшнатадиган, буюк келажакка қатъий ишонч билан қарашга даъват этадиган ҳодиса.

масалага жиддий қарашимизни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Буюк немис файласуфи Освальд Шпенглер “**Қаерда маданият йўқол-са, ўша ерда зоология кучаяди**”, деган эди. Дарҳақиқат, инсон бошқа жонзотлардан ҳис-туйғуси, ақлий имко-ниятлари билан фарқ қилади. Ана шу иккита катта омил унинг инсон ва шахс бўлиб етишишига хизмат қилади. У маданиятдан узоқлашгани сайин вужу-ддаги ижобий фазилатлар камайиб, иллатлар миқдори кўпайиб, хайвоний инстинктлар кучайиб боради. Нати-жада инсон одам қиёфасидаги бошқа жонзот, йиртқич ва ёввойи махлуққа айланади.

Инсоннинг ягона ва бирдан-бир ха-лоскори — маънавият! Уни олиқ қад-риятга айлантирадиган куч маданият ва маърифат. Юксакларга кўтарадиган, қадру қимматини оширадиган, олам меҳ-варига олиб чиқадиған бекхёс Қудрат!

Миллий туйғу, миллатга мансублик ҳис-си инсоннинг ҳаётда омонат, сунъий ур-читилган жонзот эмас, у буюк тарихнинг, бой ўтмишнинг ва улўғ аждоқлар вориси эканини билдиради.

Агар унинг қадриятлари топталмаса, агар урф-одатлар, анъаналар қадрланса, агар одамлар ўтмишига катта ҳурмат, аждоқларига эътиборли бўлса, улар қолдирган ҳаётий ва маданий қадриятларни ҳурмат қилса, миллат ўлмайди!

мавкеини, умумсайёра миқёсида барка-мол миллий қиёфасини намоён қилиш имконини беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев “**Ҳар бир мактаб ўқувчиси битта миллий мусиқа асбобини чалишни билиши керак**”, деганида жуда катта ижтимоий муаммони, миллат қиёфаси ва унинг миллий қадриятлари билан боғлиқ масалани ифодалаб берган эди. Айни мусиқа орқали қалб қиёфасини барқамоллаштириш, ёшлар ҳаёлотини гузаллаштириш, фикратини ёрқинлаш-тириш, мақсад ва интилишларини эзгу-лик сари буриш мумкин. Бу Ўзбекистон-дай ёшлар мамлакатида жуда муҳим миллий ва ижтимоий моҳиятга эга.

Болага эътибор — миллат истиқбо-лига эътибор. Миллат генофондини соғ-ломлаштиришнинг энг тўғри ва самара-ли усули. Соғлом бола дунёга келиши бутун миллат жисмоний ва интелле-туал барқамоллигининг муҳим омили. Бу борада мамлакатимизда кенг миқёс-ли ишлар олиб борилмоқда.

Атоқли адиб, жаҳон маданиятининг йирик намоёнчаси Чингиз Айтматов ху-лосаларига кўра, она қорнидаги ҳали одам шаклига кирмаган икки ҳафта-лик эмбрион ташқи муҳитни ҳис қилар, унинг таъсирида ўсиб, характери шакл-ланар экан. Мана дунёни асрайдиган, оламни безайдиган, инсонни барқамол-лаштирадиган манба қаерда?! Давла-тимиз, хусусан, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ижтимоий сиёсатида аини шу масала энг муҳим ва долзарб вази-фага айлантирилган. Соғлом она ва соғ-лом бола ғояси миллатни асрашнинг энг самарали воситаси бўлиб қолди. Тинч ва фаровон оила, соғлом турмуш тарзи, одамлар ўртасидаги меҳр ва муҳаббат туғилажак боланинг, миллат келажаги-нинг таянчи!

Узоқ йиллар мобайнида миллий қад-риятларга беписандлик билан қараш ва тоталитар режимнинг турли ғайрининс-оний қарашлари оқибатида ўзбек гено-фонди геноцидга айлана бошлаган эди. Бугун янги Ўзбекистонда ушбу масалага катта эътибор берилмоқда. Ҳар томон-лама соғлом, интеллектуал жиҳатдан бақувват, ижодкорлик, бунёдкорлик им-кониятлари кенг барқамол миллатни ву-жудга келтириш чоралари кўрилмоқда. Бу эса ҳаммамиз учун ғоят шарафли, дилларни қувнатадиган, кўзларни яшна-тадиган, буюк келажакка қатъий ишонч билан қарашга даъват этадиган ҳодиса.

Президентимиз шу йил 26 январь куни Ўзбекистоннинг 2022-2026 йил-ларга мўлжалланган Тараққиёт стра-тегиясини белгилаш ҳамда уни жорий йилда амалга ошириш масалалари муҳокамаси юзасидан ўтказилган ви-деоселектор йиғилишида бажарилади-ган вазифаларни аниқ кўрсатиб берди. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт страте-гиясидаги 7 та устувор йўналиш доира-сидаги “Инсон қадрни учун” йўналиши-да 100 та мақсад белгиланди. Уларга

эришиш учун жорий йилнинг ўзида уму-мий қиймати 55 триллион сўм ва 11,7 миллиард долларлик 398 та чора-тад-бирни амалга ошириш кўзда тутилган.

Тараққиёт стратегиясининг бешинчи устувор йўналиши — маънавий тарақ-қиётни таъминлаш ва соҳа ривожини янги босқичга олиб чиқиш масалаларига доир концептуал режалар тузилган. Таъ-кидлаш керакики, стратегия математик аниқликда ишлаб чиқилган. Ҳар бир чора-тадбир учун масъул шахс ва ба-жариладиган муддат аниқ белгилан-ган. Уларни бажаришнинг моливий-ташкилий асослари ишлаб чиқилган. Бундай реал воқеалик билан боғлан-ган, конкрет масалаларга тўғри ва очик ёндашилган расмий ҳужжат би-ринчи марта яратилди. Бу Президент Шавкат Мирзиёевнинг бошқарув фао-лиятидаги ўта аниқлиқни кўрсатади.

Маънавий барқамоллик маърифат-лиликдан бошланади. Маърифатли жамият ҳар қандай ислоҳотларга қодир бўлади. Ана шу ҳаётий ақидадан келиб чиқиб, давлатимиз раҳбарининг муҳим методологик аҳамиятга эга қўйидаги фикрларини эсга олиш ўринлидир: “**Биз янги Ўзбекистонни барпо этишда ик-кита мустаҳкам устунга, яъни бозор тамойилларига асосланган кучли иқ-тисодиёт ҳамда аждоқларимизнинг бой мероси, миллий ва умумбаша-рий ғояларга асосланган кучли маъна-виятга таянамиз. Маънавият — жа-миятдаги барча сиёсий-ижтимоий муносабатларнинг мазмуни ва сифа-тини белгилайдиган пойдевордир. Бу пойдевор қанча мустаҳкам бўлса, халқимиз ҳам, давлатимиз ҳам шун-ча кучли бўлади. Фақатгина ана шу-ндай заминга таянган ҳолда, биз юр-тимизда Учинчи Ренессанс асосларини барпо эта оламиз**”.

Кўриниб турибдики, ҳаётимизнинг барча соҳалари каби маънавий-маъри-фий тараққиёт борасидаги вазифалар ижроси ҳам бош мақсадимиз — Учинчи Ренессанс асосларини шакллантириш-га хизмат қилади. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, жамиятдаги барча сиёсий-иж-тимоий муносабатлар мазмуни ва сифа-ти айнан маънавий-маърифий ишларни қандай олиб боришимизга боғлиқ.

Бу муҳим йўналишда улкан амалий ишлар бошланганига барчамиз гувоҳимиз. Президентимизнинг 2022 йил 28 январдаги фармони билан тасдиқ-ланган 2022-2026 йилларга мўлжал-ланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оши-ришга оид давлат дастурига мувофиқ, юртимизда маънавий тараққиётни таъ-минлаш ва соҳа ривожини янги босқич-га олиб чиқиш бўйича кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ушбу йўна-лишда белгиланган 8 та мақсад ва 30 та топириқни амалга ошириб, маънавий-маърифий ишларнинг маъно-мазмуни ва сифати тубдан яхшиланмоқда.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида бу қадриятларнинг инсон, давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятига атрофлича тўхталиб, қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлаб ўтгани, албатта, бежиз эмас: “**Энг катта бойлик — бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос — бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик — бу билимсизликдир. Шу сабабли ҳаммамиз учун илгор билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узулкисиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак**”.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



news

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

Ўтган йилнинг куз ойларида Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи фуқаро ўз хонадонига куёш панели ўрнатиб, ундан муқобил энергия манбаи сифатида фойдаланаётгани, ҳатто эҳтиёжидан ортиқча электр токини давлатга сота бошлагани ҳақидаги хабарларни ўқиган эдик. Бу бошқа юртдошларимизда ҳам қизиқиш уйғотиб, кўлаб хонадонлар электр энергияси олишда куёш панелларида фойдалана бошлади. Экологик тоза, асосийси, арзон энергия манбаи бугун фермер хўжаликларида ҳам ўрнатилиб, мўнтазам электр токи олишда асқатмоқда.



ҚУЁШНИ БОШҚАРАЁТГАН ФЕРМЕР ХАВОТИР ВА ИККИЛАНИШЛАРГА ЎРИН ҚОЛМАДИ

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги "Bakhtal fruit growing" фермер хўжалиги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Хўжаликнинг 76,8 гектар майдонида олма ва узум етиштирилади. Ер майдонида тўлиқ замонавий ва тежамкор томчилатиб сўғориш технологияси жорий этилган. Бу қурилма электр токида ишлайди ва шунинг ҳисобига хўжаликда кунлик электр энергия сарфи 200 киловаттдан 800 киловатт соатгача боради.

Худудда шомол ва ёгингарчиликлар кўп кузатилгани боис, электр энергияси таъминотида тез-тез узилишлар бўлиб туради. Тадбиркор Кенжабой Орзикулов ушбу муаммонинг ечими сифатида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишга қарор қилди. Жорий йил бошида биринчилардан бўлиб мазкур фермер хўжалигида қуввати 3 киловаттлик шомол генератори ўрнатилди. Бу истеъмол қилинган электр токи туловларининг камайишига олиб келди. Бундан мамнун бўлган фермер хўжалиги раҳбари жорий йилнинг март ойида қуввати 5 киловатт бўлган кичик куёш фотоэлектр станцияси қурилмасини ҳам ўрнатди.

— Юртимиз куёшли, ҳатто қиш ойларида ҳам илқ нурлар тараблиб, ундан табиий, атроф-муҳитга зарарсиз электр энергияси олиш мумкин, — дейди "Bakhtal fruit growing" фермер хўжалиги раҳбари Кенжабой Орзикулов. — Қолаверса, буёғи ёз, шомол тезлиги анча пасаяди. Шу боис, куёш панелидан ҳам электр манбаи сифатида фойдаланялмиш. Очиги, бу қурилмаларни ўрнатиш ҳақида анчадан буён уйлаб юрдим.

Технология юртимиз шароити учун янги бўлгани боис, самарадорлиги борасида хавотир ва иккиланишларим бўлган. Аммо шомол генератори ишлаб бошлагач, барча шубҳаларим йўқолди. Қурилмалар моддий томондан ҳам анча фойдали экан. Улар энергия харажатини 10-15 фоизга қисқартирди.

Қандай имтиёзлар бор?

Фермер хўжалигида муқобил энергия ишлаб чиқараётган қурилмаларнинг ҳар иккисидан ҳам бирдек фойдаланилгати. Шомол генератори соатига 2 киловатт, куёш панели эса 1 киловаттдан 4 киловаттгача электр токи етказиб

бера олади. Табиий манбалардан олинган муқобил электр энергияси аккумуляторларга тўпланади. Махсус тизим электр энергиясининг керакли қисmini етказиб, қолганини ўзида сақлайди. Ундан исталган вақтда, эҳтиёжга қараб фойдаланиш мумкин.

Хўжаликда 2 дона электрда ҳаракатланган юк мотоцикллари бор. Ана шу тежамкор улов ҳам муқобил энергия манбалари орқали қувватлантириляпти. Бундан ташқари, 3 дона артезиан қудқдан сув чиқариш, насос станциясидаги тўпланган сувни томчилатиб сўғориш тизими орқали қўчатларни сўғоришга йўналтириш учун электр энергияси талаб этилади.



“

Жиззах вилояти Бахмал туманидаги "Bakhtal fruit growing" фермер хўжалиги боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган. Хўжаликнинг 76,8 гектар майдонида олма ва узум етиштирилади. Ер майдонида тўлиқ замонавий ва тежамкор томчилатиб сўғориш технологияси жорий этилган. Бу қурилма электр токида ишлайди ва шунинг ҳисобига хўжаликда кунлик электр энергия сарфи 200 киловаттдан 800 киловатт соатгача боради.

Айни пайтда мавжуд муқобил энергия манбаи қурилмалари хўжаликдаги электр токига бўлган эҳтиёжнинг бир қисmini қоплаб берапти. Ахир, боғ қатта, унда етиштирилаётган ҳосил ҳам оз эмас. Тадбиркор йилга 300 тоннагача олма, 200 тонна узум етиштириб, халқимиз дастурхонига етказиб келмоқда. Замонавий технологияларни қўллаш ҳисобига ҳосилдорлиқни минг тоннага етказишни режа қилган.

Бунинг учун агротадбирларни ўз вақтида амалга ошириш, электр энергияси узлуксизлигини таъминлаш зарур. Қолаверса, табиий электр манбаи харажатларни анча қисқартиради. Шу боис, хўжаликда куёш панеллари сонини кўпайтириш кўзда тутилган.

Бу борада тадбиркорларга қўшимча имтиёзлар ҳам берилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил

14 апрелдаги "Энергия самарадор ва энергия тежовчи қурилмаларни харид қилиш ҳамда ушбу мақсадлар учун олинган кредитлар бўйича фоиз харажатларининг бир қисmini қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси давлат бюджети маблағлари ҳисобидан компенсация ажратиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига кўра, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини сотиб олган истеъмолчиларга 30 фоиз, аммо куёш фотоэлектрик станциялари учун 3 миллион сўмдан ошмайдиган миқдорда компенсация бериш белгиланган.

— Бундан ташқари, 2019 йил 21 майда қабул қилинган "Қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан бу борада солиқ имтиёзлари ҳам жорий этилган, — дейди "Ўзэнергияинспекция" Жиззах худудий бўлими бош мутахассиси Ўлуғбек Давиров. — Имтиёزلардан фойдаланиш учун туманлардаги ишчи гуруҳга мурожаат қилинади ва керакли ҳужжатлар тақдим этилади. Аммо бундан кўпчилик хабардор эмас. Худудларда муқобил энергия манбаларидан фойдаланишнинг афзалликлари, уларни ўрнатган фуқароларга бериладиган имтиёзлар бўйича тушунчалар бериб бораёلمиз. Дастлаб одамлар ушбу қурилмаларнинг самарадорлиги, ишлаши борасида шубҳага боради. Ҳозир эса аҳоли орасида ҳам, фермер хўжаликларида ҳам шомол генератори, куёш панелларидан фойдаланишга қизиқиш ортиб борапти.

Аҳоли куёш панеллари ёрдамида электр токи олишга одатий ҳол сифатида қарай бошлади. Хонадонлар томига ўрнатилаётган бундай қурилмаларга тез-тез кўзимиз тушяпти. Уларнинг кўп ўрнатилиши мамлакат иқтисодиётига ҳам фойда. Электр энергияси муқобил энергия манбаларидан олингани сари, табиий манбаларидидаги юклармаларни енгиллаштириш, аварияларнинг олдини олиш, тармоқлардаги технологик йўқотишларни пасайтириш имконияти ошади. Асосийси, экологик тоза, "яшил энергия"га ўтиш жараёни фаоллашади.

Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам "яшил иқтисодиёт" технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, 2026 йилга қадар қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 25 фоизга етказиш назарда тутилган. Қайта тикланувчи энергия манбаларининг барча соҳаларга кириб бораётгани ана шу йўлдаги фаол харажатларнинг самарасидир.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" муҳбири

ТАҲЛИЛ

РОФ РАҚОБАТ, ОЧИҚ-ОШКОРА САВДО МАЙДОНИ

Муҳиддин КАЛОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
проректори

Иқтисодиётда пул доим ҳаракатда бўлади. Сотувчи ва харидор ўртасидаги айнан шу олди-сотди муносабатлари молия бозорини белгилаб беради. Замонавий молия бозорини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири эса капитал ёки фонд бозорини ривожлантиришдир. Бунда харидор нафақат пул, балки бошқа турдаги молиявий инструментлар, жумладан, қимматли қоғозлар орқали ҳам савдо қилиши мумкин.

Мамлакатимиз сўнгги йилларда очик бозор иқтисодиётига ўтиб бормоқда. Молиявий бозор имкониятлари ошиши капитал бозори ривожда ҳам ўз аксини топмоқда.

Капитал бозори — бу хусусий мулк устуворлиги ва қафолатланганлиги демакдир. Янада кенгрок маънода фонд бозори вақтинча бўш турган маблағларни тўплаш, уларни ссуда капиталга айлантириш, сўнг ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари ўртасида тақсимлашни англатади. Бунда олди-сотди операциялари қимматли қоғозлар, хусусан, корхоналар акциялари ҳамда давлат облигациялари билан амалга оширилади. Юртимизда савдолар онлайн тартибда Тошкент республика фонд биржаси ягона савдо тизими платформаси ҳисобланган fopbbozori.uz сайти орқали олиб борилади. Бу шафдоф бозор инфратузилмаси бўлиб, ўз ичига талаб ва таклиф, соф рақобат, котировкалар, листинг категориялари каби тушунчаларни қамраб олади.

Аслида биржалар уларда савдога қўйиладиган махсуслотлар, яъни биржа товарларига қараб турларга бўлинади. Товар биржасида хомашё ва махсуслотлар асосий ўрин тутса, валюта биржасида пул, фонд биржасида эса қимматли қоғозлар унинг муҳим объектидир.

Умуман, бу онлайн савдо макони ишлаб чиқарувчи ва харидорларни ўзаро боғловчи механизмдир. Қимматли қоғозлар бозори ривожига эса миллий иқтисодиётимизнинг узок муддатли молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини таъминлаб, унинг юқори ва барқарор ўсишига

қаратилган муҳим восита ҳисобланади. Бу соҳа молиявий ресурсларни жамғарувчилар ва қўшимча маблағларга эҳтиёжи бўлган хусусий сектор вакиллари, банклар, сўғурта компаниялари, давлат корхоналари ва ҳукуматнинг инвестициялар асосида трансформация жараёнларини амалга оширишига хизмат қилади.

Савдо майдонидаги воситачи

Етакчи давлатлар тажрибасида молия бозорини ривожлантириш ва тарқибий жиҳатдан ўзгартириш бевосита капитал бозори ривожига билан боғлиқ. Мамлакатимизда бу йўналиш сўнгги йилларда янги босқичга кўтарилмоқда. Молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан бири сифатида белгиланган.

Бу капитал бозордаги савдо-сотик кўрсаткичларини янада оширмоқда. Хусусан, ўтган йили фонд биржаси савдо айланмаси 1260,5 миллиард сўмни ташкил этиб, 2020 йилдагига нисбатан икки юз фоиздан ортиқроқ ёки 2,2 барабар ошган. Тузилган савдо битимлари ҳажми бўйича ҳам ижобий натижалар қайд этилиб, уларнинг сони 71 минг 489 тани ташкил этган.

Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 13 апрелдаги "Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони билан капитал бозори рақобатбардошлигини ошириш ва 2023 йил якунига қадар эркин муома-



ладаги қимматли қоғозларга асосланган бозор капиталлашувини амалдаги 1,9 триллион сўмдан 45 триллион сўмга етказиш вазифаси қўйилган. Бунда банклар томонидан кредитлашга муқобил бўлган самарали молиялаштириш механизмининг ишлаб чиқиш, капитал бозорини тартибга солишнинг яхлитлигини ва тизимли тавakkалчиликларнинг олдини олишни таъминловчи қонунчилик базасини яратиш ҳамда миноритар инвесторлар, капитал бозорининг бошқа иштирокчилари ҳамда аҳоли кенг қатламларининг билим, кўникма ва молиявий саводхонлигини оширишни қўллаб-қувватлаш назарда тутилган. Мазкур дастурлар доирасида 2023 йил якунига қадар 40 минг аҳоли қамраб олинади.

Капитал бозори ҳақида турли таърифларни келтириш мумкин. Масалан, европалик иқтисодчилар капитал бозорига акциядорлик компанияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлашдаги муҳим омили сифатида қарайди. Молия бозорини оптималлаштириш орқали миноритар акциядорларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишга эришиш мумкинлиги таъкидланади.

Чунки корпоратив тузилмалар фаолияти иқтисодий тараққиётда муҳим ўрин тутди. Шу боис, юртимизда уларнинг фаолияти самарадорлигини ошириш, замонавий корпоратив бошқарув

тизимини жорий этишга доир қатор илохотлар амалга оширилмоқда. Мазкур соҳанинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш мақсадида "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги, "Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида"ги қонунлар янги таҳрирда қабул қилинди ва амалиётга жорий этилди. Шунингдек, бир қанча қарорлар қабул қилиндики, улар акциядорлик жамиятларини сон жиҳатдан оптималлаштириш, капитал бозоридagi фаолиятини самарали ташкил этиш, молиявий манбаларини шакллантиришда қимматли қоғозлар саломатини ошириш ҳамда хорижий инвесторларни жалб этишга хизмат қилиб келмоқда.

Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги маълумотиға кўра, бугунги кунда эмиссия қилинган акцияларнинг умумий номинал қиймати 100 триллион сўмдан ортиқ бўлиб, улардан фақатгина 1,5 фоизигина эркин муомалада. Бу мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 1 фоизидан кам бўлиб, ушбу кўрсаткич Сингапурда 188 фоиз, Малайзияда 112 фоиз ва Россияда 34 фоизни ташкил этади. Мазкур ҳолат Ўзбекистонда капитал бозорининг инвестициялар ва жамғармалар ўртасида воситачилик ролини сифат ва миқдор жиҳатидан ошириш зарурлигини кўрсатади.

Тўғри корпоратив бошқарув юқори даромад дегани(ми)?

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида миллий иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича бир қатор устувор вазифалар белгиланган. Жумладан, давлат қимматли қоғозларини норецидентлар томонидан харид қилишга рухсат бериш, корпоратив қимматли қоғозлар бозоридида ликвидлигини ошириш ва давлат улуши мавжуд корхоналарда хусусийлаштириш жараёнларига хорижий инвесторлар ва халқаро молия институтларини жалб қилиш кўзда тутилган. Иқтисодиётда



молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида келгуси 5 йилда фонд бозори савдолари ҳажмини 200 миллион доллардан 7 миллиард долларга етказиш, йирик корхоналарни фонд биржаси орқали хусусийлаштиришда уларнинг акцияларини маҳаллий ва хорижий фонд биржаларида оммавий жойлаштиришни назарда тутиш, 2021-2023 йилларда капитал бозори инфратузилмасини ривожлантириш, капитал бозори иштирокчиларининг малакасини ошириш вазифалари ҳам бор. Бунинг натижасида келгусида компаниялар молиявий манбаларини шакллантириш орқали давлат бюджет даромадларини оширишга ҳисса қўшиши таҳлил қилинган.

Ушбу вазифаларни бажаришда инвесторлар салоҳиятини кенгайтириш ва трансформация қилиш, молиявий саводхонлиқни яхшилаш орқали қимматли қоғозларга талабни ошириш, акциядорлик жамиятлари ва эмитентлар сонини кўпайтириш ҳамда янги молиявий инструментлар орқали қимматли қоғозлар саломатини кенгайтириш мақсадаги муҳим.

Яна бир масала. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корпоратив тузилмаларнинг фонд бозоридидаги фаоллигини ошириш учун корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш талаб этилади.

Умуман, акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизimini жорий этмасдан туриб фонд бозорини ривожлантириш қийин. Қолаверса, молия бозори тизимида давлат иштирокини оптимал даражада қисқартириш, акциядорларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириб бориш муҳим.

Тадбиркорлик фаолиятини корпоратив тузилма шаклида амалга ошириш юридик шахсдан корпоратив бошқарув масалаларига катта эътибор қаратишни талаб этади. Чунки корпоратив бошқарув тизимини яхши йўлга қўйган жамиятгина ушбу ташкилий-ҳуқуқий шакл қўлайликлардан максимал даражада фойда кўра олади.

Мамлакатимиздаги корпоратив тузилмаларнинг фонд бозоридидаги фаоллигини оширишда молиялаштириш манбаларининг ноанъанавий усулларида фойдаланган ҳолда қимматли қоғозлар бозорини янада такомиллаштириш, жумладан, корпоратив усулларида, IPO/SPO (акциядорлик жамиятининг акцияларини бирламчи/иккиламчи оммавий тақлиф этиш) операцияларини ташкил этиш ва ўтказишга босқичма-босқич тайёрларлик қўриб бориш зарур. Мазкур амалиёт бевосита акциядорлик жамиятларига хорижий капиталларни жалб қилишда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Шухрат ЁҚУБОВ,
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари
ва илғор технологияларни татбиқ этиш маркази
директори, юридик фанлари доктори, профессор



Замонавий ҳаётни илм-маърифат ва таълим тараққиётисиз тасаввур этиб бўлмайди. Боиси, бу борадаги изланиш тадқиқотлар, алалоқибат, инсоният турмуши фаровонлигига хизмат қилади. Юртимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, сифат кўрсаткичларини яхшилаш борасидаги бугунги ислохотлар замирида ҳам малакали кадрлар тайёрлаш орқали жамият тараққиётига эришиш мақсад қилинган. Ўзгаришлар шиддати ва самараси эса халқаро жамоатчилиқнинг ҳам эътиборига тушган. Бозор муносабатлари шароитида олий таълим хизматлари,

албатта, меҳнат бозори талабларига мос бўлиши, дунё стандартларига жавоб бериши керак. Йўқса, унда тайёрланган кадрлар бандлигини таъминлаш ечилиши лозим бўлган яна бир янги масалани юзага келтиради.

Бўшлиқ қандай тўлдирилади?

Очиғини айтиш керак, олий таълимдаги ўзгаришларни рўёбга қиариш осон кечаётгани йўқ. Ахир, бутун бошли механизми қайтадан ислоҳ қилиш, кун сайин тараққий этаётган дунё тамаддунига қадам-бақадм ҳаракатланиш катта куч ва меҳнат талаб қилади. Шунга қарамай, тизимлилик, масъулият ва қатъий интизом билан ислохотларнинг амалдаги натижаларига эришилмоқда. Хорижий давлатлардан талабалар ўқишини кўчиришда синовнинг Давлат тест маркази томонидан ўтказилиши туфайли адолатли ва шаффоф тизим яратилгани эришилган ижобий натижалардан.

Ички ўқишни кўчириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ўзгартириш — ҳал этилиши зарур бўлган навбатдаги долзарб масалалардан. Назаримизда, ички академик мобиллиқни кучайтириш орқалигина муаммога ижобий ечим топиш мумкин. Боиси, бутун дунёда мазкур тажриба ривожланиб, амалиётда унинг халқаро ва ички академик мобиллик шакллари кенг фойдаланилмоқда.

Нима ўзгаради?

Ички академик мобиллик, бу — муайян мамлакат ичидаги олийгоҳларнинг шартнома, меморандум ва бошқа келишувлар асосида талабаларини келишилган муддат давомида ўқитиб бериш тизимидир. Дейлик, билим соҳаси ўзаро мос келадиган 2 та олий таълим муассасаси муайян муддатда талабаларини алмашган ҳолда ўқув жараёнини ташкил қилади.

Масалан, пойтахтлик талаба ўқишга топшириш вақтида бешта таълим йўналишини белгилаб, Самарқанддаги олийгоҳга ўқишга кирди. Аммо у ерда ўқиш учун унинг шароити йўқ. Мазкур вазиятда Тошкентда жойлашган олий таълим муассасаси билан Самарқанддаги олий таълим муассасаси ўртасида академик мобиллик бўлича келишув амалга оширилмади. Яъни талабанинг шароити инобатга олинб, ота-онаси бағрида ўқишни давом эттириши учун унга шароит яратилади. Ҳақли савол туғилади: бу таълим сифатига таъсир кўрсатмайдими?

Муаммоларга ечим бор

Очиғини айтиш керак, тизимда олий таълим муассасалариаро ўқишни кўчириш ва магистратурага қабул жараёнида коррупцион ҳолатларни батамом йўқ қилиш ва таълим жараёнини сифатли ташкил этишга тўқинлик қилаётган муаммолар ҳам йўқ эмас. Чунотки, олий таълим муассасалариаро ўқишни кўчириш бўйича “режалаштирилган” мурожаатлар сони ортиб бораётгани ўқув жараёнини сифатли ва ўз вақтида ташкил этишга салбий таъсир кўрсатмоқда. **Биргина 2020 йилда 28 минг, 2021 йилда эса 56 минг нафар талаба давлат олий таълим муассасалариаро ўқишни кўчириш истагини билдирган.**

Жумладан, Урганч давлат университетига 2,8 минг, Фаргона давлат университетида 2 минг нафар талаба ўқишини кўчирган бўлса, Жиззах давлат педагогика институтидан 1,4 минг, Гулистон давлат университетида 1,3 минг нафар талаба бошқа олий таълим муассасаларига ўқишини кўчириш истагини билдирган. Бу кўрсаткич 2022 йилда 100 мингдан ошиши кутилаётгани ҳар бир масъулни сергак тортиштириб керак. Сиртдан қараганда, бунинг бирор салбий томони йўқдек кўринади. Аммо ўқишга кириш, уни бошқасига кўчириш, умуман, олий таълимда бирор йўналиш бўйича илм олиш ўзин эмаски, талаба ўқишни бошлагандан сўнг бирдан бошқа университетда ўқигиси келиб қолса. Ахир, биргина талабанинг ўқишни кўчириши билан таълим жараёнидаги

кўчириш бўйича норози бўлиб йўлланган мурожаатлари сони 5 мингтага, ижодий имтиҳонлар бўйича эса 14 баробар камайди.

Ички ўқишни кўчириш ўрнига академик мобиллик дастурларини кенг жорий этилиши турли коррупцион хавфларнинг олди олинишига, талабалар ва кенг жамоатчилиқнинг эътирозлари камайишига хизмат қилади. Ва бу, ўз навбатида, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Хориж тажрибаси қандай?

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ривожланган давлатларнинг олий таълим муассасаларида ҳам ўқишни кўчириш, ички академик мобиллик олий таълимнинг бир қисми ҳисобланади. Айрим давлатларда барча ваколат олий таълим муассасалари ихтиёрида бўлса, баъзиларида қатъий чекловлар, муайян талаблар жорий этилган. Ҳатто ички академик мобиллик дастурлари университетлар аро ўзаро келишув шартномалари асосида ташкил қилинадиган мамлакатлар ҳам бор.

Мазкур тизимнинг амалиётга жорий этилиши талабаларнинг муайян олий таълим муассасасидан ўқишни бошқа номдорроқ олий таълим муассасасига кўчириши учун эмас, балки танлаган мутахассислиги бўйича малакали кадр бўлиб етишишига хизмат қилади.

Жумладан, **АҚШда бакалаврият босқичидаги ўқишни кўчирмоқчи бўлган талаба ўшбу мамлакатда аккредитациядан ўтган олий таълим муассасаси бакалавриятида қамида бир йиллик ўқишни тамомлаган бўлиши шарт.** Университетлар ўқишни кўчириш истагини билдирган талабалар учун ўртача ўтиш балани турлича белгиллаган.

Акарият университётлар ўқишни кўчириш учун минимал ўтиш балани 2,5 GPA (фанлардан ўтиш учун минимал балл) этиб белгиллаган. Хусусан, нуфузли университетларда ўтиш бали анча юқори. Масалан, **Гарвард университети ҳар йили ўқишни кўчириш истагини билдирган талабаларнинг бор-йўғи 0,97 фоизини қабул қилади.** Бундан ташқари, талаба қатъий белгиланган талаблар бўйича тест ва бошқа синовлардан ўтиши керак. Ўқишни кўчириш жараёнида талаба тарқ этаётган OTMга тў-



Унинг иштирокчилари талабалар, олий таълим муассасаларининг академик ва маъмурий персоналлари бўлиши мумкин. Аслида халқаро мобиллик глобал меҳнат бозори шароитида касбий мослашиш ҳамда таълимни давом эттириш имкониятини беради.

Ички академик мобиллик талаба ва уларнинг ота-оналарига қулайлик яратади. Масалан, бир талаба ўзи яшайдиган жойдан бошқа, узорқор ҳудуддаги олийгоҳга ўқишга кирса-да, бориб ўқишга, ётоқхонада яшашга имкони бўлмаса, ўз ҳудудидаги OTMда яратилган академик мобиллик асосида муайян муддат давомида ўқиши мумкин. Бунда муҳим талаб, билим соҳалари, таълим йўналишлари ва фанлар ўзаро мутаносиб бўлиши керак. Бунда муайян муддат ўқиганлиги ҳақида маълумотни асосий ўқишга тақдим этади, тегишли фанларни ўзлаштирган, кредитларни тўплаган ҳолда асосий олийгоҳда таъсилни давом эттириши мумкин.

Коррупцияга асос бўлмайдими?

Коррупция дунё миқёсида батамом йўқотилиши шарт бўлган глобал муаммолардан. Айниқса, таълим тизимида коррупциявий ҳолатларнинг учраши бевосита миллат ва жамият келажаги билан боғлиқ бўлган стратегик масала ҳисобланади.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан айнаи хижат эътиборга олинб, хорижий давлатлардан талабалар ўқишини кўчириш ва ижодий имтиҳон ўтказиш жараёни билан боғлиқ коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш борасида тизимли ишлар бажарилмоқда. Натижада фуқароларнинг ўқишни



қилмайди. Бундан ташқари, **ўқув йилининг ўртасида ўқишни кўчириш тақиқланади.** Талаба ариза топшириш вақтида бошқа университетга ўтиш сабаблари ва бу янги университет нима учун унга кўпроқ мос келишини тушунтириб бериш шарт. Ариза (баён) ёзиши керак. Ҳар бир курснинг ўз талаблари мавжуд, ўшбу талабларга жавоб бермаган талабаларнинг аризаси эса рад этилади.

Германияда биринчи семестрдан кейинги босқичлар “юқори семестрлар” деб аталади. Мамлакатда “юқори семестрлар” учун ўқишни кўчиришда чеклов мавжуд бўлиб, талабаларнинг ўқишни кўчириш бўйича аризаларига OTM маъмурияти акарият ҳолларда рад жавобини беради.

Япониядаги ҳамма олийгоҳларда ҳам талабалар ўқишини кўчириш дастури йўлга қўйилмаган. Шунингдек, мавжудлариди ҳам бу жараён осон кечмайди, яъни дастурлар ҳар йили амалга оширилмайди. Баъзи йўналиш ва факультетларга рухсат берилади. Талабанинг олдинги ўқиган жойида олган кредити ва натижаси ҳар доим ҳам ўринли деб топилмади.

Ритсумекен университети ва Акита халқаро университети ўртасида талабалар алмашинув дастури йўлга қўйилган. Бу дастур орқали талабалар Акита халқаро университети тизимида мавжуд 16 та коллеждан бирида ўзи қизиққан йўналиш бўйича қисқа курслар орқали олти ойдан бир йилга қадар таълим олиши мумкин.

Қўшимиз Қозғоғистонда эса талабаларнинг бир OTMдан бошқасига ўқишни кўчириш тартиби мулкчилик шаклидан қатъи назар, ҳар бир олийгоҳнинг академик сисъатидан келиб чиқиб мустақил белгиланади.

Талаба ўқишини кўчириш учун дастлаб ўзи таълим олаётган университет раҳбариятига ариза билан мурожаат қилади. Агар раҳбарият ижобий ҳуло-са берса, талаба бошқа университетга ўқишни кўчириш учун ариза топшира олади.

Бу жараёнда OTMлар ҳар бир йўналиш бўйича ўртача ўтиш бали (GPA) ни мустақил белгилайди. Масалан, Алмати менежмент университети ўртача ўтиш балани 2.18 GPA этиб белгиллаган.

Ўқишни кўчириш қоидалари барча учун бирдек амал қилади. Бирор тоифа учун алоҳида имтиёзлар қўлланмайди. Ўқишга қабул қилиш ёки рад этиш қарори ички имкониятлардан келиб чиққан ҳолда, OTM раҳбарияти томонидан қабул қилинади.

Ўзгаришлар таълим сифатини оширишга хизмат қилади

Мамлакатимиз таълим тизими ҳам халқаро стандартларга интеграциялашмоқда. Самарали тажрибалар амалиётга татбиқ этиляпти. Мақсад таълим сифатини яхшилаш, ўқув ишларини бозор эҳтиёжидан келиб чиқиб ташкил этишга қаратилган. Аммо барча саъй-ҳаракатлар қутилганидек натижа бермаётгани ҳам бор гап. Мазкур камчиликларни бартараф этишда баъзи омилларга эътибор қаратиш лозим. Хусусан, таълим жараёни тўлиқ кредит-модуль тизимига ўтказилгани сабабли талабаларни академик мобиллик асосида бошқа олий таълим муассасасида қамида бир ва кўпи билан икки семестр ўқиш имкониятини яратиш керак. Академик мобиллик амалиётини олий таълим муассасалари томонидан ўзаро шартномалар тузиш орқали жорий қилиш пайти ҳам келди. Талабаларнинг ички академик мобиллик орқали ўқишини ташкил этиш ваколатини олий таълим муассасаларига ўтказиш эса улар мустақиллигини таъминлашга хизмат қилади.



“БИР МИЛЛИОН ЎЗБЕК ДАСТУРЧИЛАРИ” ҚЎШМА ЛОЙИХАСИ ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси ва Бирлашган Араб Амирликлари қўшма лойиҳаси — “Бир миллион ўзбек дастурчилари” қўшма лойиҳаси ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов, Бирлашган Араб Амирликларининг Ҳукумат ишлари бўйича вазири Мухаммад бин Абдуллоҳ ал-Ғарғавий, шунингдек, давлат идоралари ва вазирлик масъуллари ҳамда хорижлик меҳмонлар иштирок этди.



Таъкидланганидек, икки давлат раҳбарларининг ташаббуслари туфайли мамлакатларимиз ўртасида савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар, таълим, тиббиёт ва айниқса, ахборот технологиялари соҳаларидаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бормоқда. Бундай ҳамкорлик доирасида ахборот технологиялари соҳасида охириги уч йилда иккита катта лойиҳа самарали амалга оширилди. Булардан биринчиси давлат мобиль иловаларини яратишга қаратилган “ЭмГовЭввдор” лойиҳаси бўлса, иккинчиси “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳасидир.

Хозирги кунда “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳаси бутун республикаимизни қамраб олди. Ўшбу лойиҳа Давлат дастурларида Янги Ўзбекистонни барпо этишнинг устувор вазифаларидан бири сифатида ўз ифодасини топмоқда. Президентимиз Шавкат Мирзиёев кенг қамровли ислохотлар доирасида ахборот технологиялари соҳасини устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб, “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳасига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз аҳолисининг кўп қисмини мазкур лойиҳага жалб қилишда муҳим туртки бўлди.

Айтиш жоизки, “One Million Uzbek Coders” (OMUK) лойиҳаси аҳолига дастурлаш ва рақамли технологиялар билан ишлашга оид кўникмаларни тақдим этишга йўналтирилган бепул онлайн платформа ҳисобланади. Платформа маълумотлар таҳлили (Data Analysis), Android ва front-end ва full-stack дастурлаш каби туртта энг оммабоп йўналишни ўз ичига олади.

Маълумотларга қўра, бугунги кунда “One Million Uzbek Coders” дастури бўйича таълим олиш учун рўйхатдан ўтган талабаларнинг умумий сони 2 миллион 500 дан ошди. Улардан 1 557 977 нафари иштирокчи сифатида, 1 175 933 нафари эса ўқув курсини муваффақиятли якунлаганлик бўйича сертификатларга эга бўлди. Қувонарлиси, лойиҳа иштирокчиларининг 90 фоизини мактаб ўқувчилари, 47 фоизини эса қизлар ташкил этади. Вилоятлар кесимида порталда рўйхатдан ўтган фойдаланувчилар сони бўйича Хоразм, Наманган, Андижон ва Самарқанд вилоятлари етакчилик қилмоқда.

Тақдирлаш маросимида лойиҳани амалга оширишда эришилган ютуқ ва натижалар, ахборот технологиялари соҳасида профессионал ривожланиш учун илк қадам сифатида хизмат қилган “One Million Uzbek Coders” битирувчиларининг ҳикоялари ҳақида видеороликлар намойиш этилди.

Шундан сўнг лойиҳанинг “Энг фаол худуд”, “Энг фаол университет”, “Энг фаол мактаб”, “Энг фаол ўқитувчи”, “Энг фаол талаба”, “Энг фаол оила” номинациялари бўйича ғолиблари тақдирланди.

Шундай қилиб, Холловлар оиласи “Энг фаол оила”, Хоразм вилояти “Энг фаол худуд”, Қашқадарё вилояти Қосон тумани 9-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби “Энг фаол мактаб”, Мухаммад ал-Хоразми номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ўргатувчиси Фаррух Салиев “Энг фаол талаба” номинацияси ғолиби бўлди. Ғолибларга “Coursea” платформасида ўқиш учун йиллик лицензиялар ҳамда соғалар топширилди.

— 1 минг 865 нафар талабамиз лойиҳа доирасидаги дастурларни муваффақиятли

яқунлаганлик тўғрисидаги сертификатни қўлга киритди, — деди Тошкент ахборот технологиялари университети Ўрганч филиали директори Мақсудбек Бойжонов. — Албатта, бу биз учун катта эътирофдир. Бугун тақдирлаш маросимида шу зафарлар давоми сифатида “Энг фаол университет” номинацияси бўйича

ғолиб бўлди. Олийгоҳимиз Ҳиндистон, АҚШ, Россия, Беларусь Республикаси, Хитой, Жанубий Корея каби давлатлар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Ўқув жараёнига хорижлик профессор-ўқитувчиларни ҳам жалб қилганмиз. Бугунги кунда битирувчиларимиз хорижнинг энг етакчи олийгоҳларининг магистратура ва докторантура босқичларида ўқимокда.

Ғолиблар орасида Мухаммад ал-Хоразми номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети битирувчиси Фаррух Салиев ҳам бор. У турли соҳа ва йўналишларда 10 дан ортқ мобиль илова ишлаб чиққан.

— Мен ўшбу тадбирда иштирок этганимдан бағоят хурсандман, — деди “Энг фаол талаба” номинацияси ғолиби Фаррух Салиев. — Uzbekcoders.uz платформасидаги Андройд йўналиши бўйича курсни тамомлаб, юқори натижаларга эришдим, деб бемалол айта оламан. Сабаби, бугунги кунда андройд тизимида иловалар ишлаб чиқдим ва 10 дан ортқ иловаларим муваффақиятли амалга оширилди. Энг оммалашган иловаларим қаторида — Alba Chat, Ucell Uzbekistan, Screen Saver, Admire, Mediabayuni айтишим мумкин. Бугунги кунда иловаларимни 20 000 дан ортқ фойдаланувчилар юклаб олган. Илгари мен фрилансер бўлиб ишлаганман, ҳозирда эса мобиль иловалар ишлаб чиқарувчи йирик хусусий фирмада фаолият юритаман. “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳаси, хусусан, Uzbekcoders.uz платформасисиз буларнинг барчасига эриша олмадим. Чунки айнан шу лойиҳа орқали мен ўзим учун ахборот технологияларининг қизикarli дунёсини кашф этдим. Албатта, биз, ёшларга бу каби шароитлар яратиб берган мамлакатимиз ҳукумати ва “Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳаси асосчиларига самимий ташаккурларимни билдирмаан.

Тадбирда Тошкент ахборот технологиялари университетиининг биринчи қор талабаси Жамшид Холиқов ҳам ўз таассуроти билан ўртоқлашди.

— Мен ўшбу лойиҳада қатнашдим ва сертификатга эга бўлдим. Содда қилиб айтганда, ўшбу сертификатни олишим сайт яратишнинг дастлабки кўникмаларига эга бўлганимни билдирди. Лойиҳа IT технологияларига қизиқишимни янада ортирди. Келгусида ўшбу соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишмоқчиман, — деди у.

Маълумот ўрнида, 2021 йилда “One Million Uzbek Coders” битирувчилари учун Бирлашган Араб Амирликлари билан ҳамкорликда умумий мукофот жамғармаси 100 000 долларни ташкил этувчи 3 та мусобақа, яъни Спорт дастурлаш, “Open Data Challenge” ва “Students Cup” чемпионатлари ўтказилган. Лойиҳанинг фаол иштирокчилари ўртасида соврин жамғармаси 6 минг долларни ташкил этувчи онлайн танлов ўтказилиб, унда 12 минг киши иштирок этди. Бундан ташқари, “One Million Uzbek Coders” дастури доирасида 7 та саралаш босқичи ўтказилиб, IT-таълим бўйича 250 та “Nanodegree” гранти эгалари аниқланган.

“Бир миллион ўзбек дастурчилари” лойиҳаси доирасида эришилган ютуқлар янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мақсад ва вазифаларини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, келгусида ўшбу лойиҳа амлакатимизни минтақавий IT-марказига айлантириш йўлида мустаҳкам пойдевор ва-зифасини ўтайди.

Насиба ЗИЁДУЛЛАЕВА, ЎЗА мухбири

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

Ёшлар ишлари агентлиги ШХТга аъзо давлатлар Ёшлар кенгашининг ўн бешинчи йиғилиши ҳамда ташкилотга аъзо, кузатувчи, мулоқот бўйича ҳамкор мамлакатларнинг ёшлари ўртасида энг яхши стартап лойиҳалар танловини ўтказди.

ШХТ: ЁШЛАРНИНГ САМАРАЛИ МУЛОҚОТИ

Рисолат МАДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Юқори даражали учрашув мамлакатимизнинг ШХТга раислиги доирасида, шунингдек, Ёшлар кенгашининг аъзо давлатлардаги масъул вазирлик ва идоралари раҳбарлари бошчилигидаги делегациялар, ШХТ ва Ёшлар кенгаши котибияти иштирокида бўлиб ўтди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти нуфузли халқаро ташкилотлар орасида муносиб ўрнига эга. Шунингдек, тузилма минтакавий ва глобал миқёсда хавфсизлик, барқарорлик ва иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ўсиши ва тараққий этишида ёшларнинг ролини ошириш, бу борадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.

Йиғилишдан мақсад ҳам бугунги ахборот асри ҳамда глобаллашув жараёнида ривожланиётган мамлакатлар қаторида ШХТ давлатларининг иқтисодий-ижтимоий жиҳатдан ўсиши ва тараққий этишида ёшларнинг ролини ошириш, бу борадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборат.



— Тадбир мамлакатимизнинг ШХТ Ёшлар кенгаши фаолиятидаги иштирокини янада фаоллаштиришга хизмат қилади, — деди Ўзбекистон Ёшлар ишлари агентлиги директори Алишер Саъдуллаев. — 30 ёшгача бўлган ёшлар сони аҳолининг 55 фоиздан ортигини ташкил этаётган мамлакатимизда ҳар бир йилгит-кизнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллаши, ўз салоҳиятини рўйбга чиқариши учун кенг қўламли ишлар бажарилмоқда.

Ўзбекистон аҳолисининг катта қисмини навқирон авлод вакилларида иборат эканини инобатга олган ҳолда, ёшлар бандлигини таъминлаш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш масаласи биринчи ўринга чиқади. Бу борада иккинчи муҳим тизим — “Ёшлар дафтари” ва ёшларга оид дастурлар муваффақияти эътироф этилмоқда. Бунинг натижасида бугун 6 миллион ёшнинг таъминлаш, 15 миллиондан ортиқ ўғил-қизнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича алоҳида ишланмоқда.

Ёшларнинг чет тилларни ўрганишини рағбатлантириш учун халқаро имтиҳонларда юқори балл олган ёшларга компенсация тизими жорий этилди. Хорижда таҳсил олаётган ва меҳнат қилаётган ёшлар билан доимий мулоқот ўрнатиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси ташкил этилгани ёшлар билан ишлашда муҳим ўрин тутди.

Бу йилдан бошлаб маҳаллаларда ёшлар етакчилари кўмағида навқирон авлод билан ишлашнинг янги тизими амалиётга фаол татбиқ этилмоқда. Ҳозир юртимиздаги маҳаллаларда қарийб 10 минг нафар ёшлар етакчиси бўлиб, агентлик ходимлари уларнинг фаолиятига қўмақлашади.

Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатлар ёшлар етакчилари ўртасидаги фаол мулоқот ёшларнинг энг долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммоларини муҳокама қилиш учун янги

БУ ЙИЛДАН БОШЛАБ
МАҲАЛЛАЛАРДА ЁШЛАР
ЕТАКЧИЛАРИ КўМАГИДА
НАВҚИРОН АВЛОД БИЛАН
ИШЛАШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ
АМАЛИЁТГА ФАОЛ ТАТБИҚ
ЭТИЛМОҚДА. ҲОЗИР ЮРТИМИЗДАГИ
МАҲАЛЛАЛАРДА ҚАРИЙБ 10 МИНГ
НАФАР ЁШЛАР ЕТАКЧИСИ Бўлиб,
АГЕНТЛИК ХОДИМЛАРИ УЛАРНИНГ
ФАОЛИЯТИГА КўМАҚЛАШАДИ.



таклиф қилиш ва илгари суришга тайёр, — деди А.Саъдуллаев. — “ШХТга аъзо давлатлар ёшлари ўртасида “Энг яхши стартап лойиҳаси” курик-танлови Тошкент шаҳрида муваффақиятли ўтказилганини ҳисобга олиб, ушбу танловни ҳар йили ёшлар стартаплари форуми шаклида ўтказишни таклиф этамиз. Шунингдек, бу йил Ўзбекистон ва Қозғистон ёшлари қурултойини Тошкент ва Бухоро шаҳарларида юқори савияда ўтказиш ташаббусини илгари сураимиз. ШХТ доирасида шахматни янада оммалаштиришда мамлакатларимиз сэйб-харақатларини бирлаштириш, тузилма доирасида халқаро шахмат турнири ўтказиш таклифини билдираимиз.

Тадбир иштирокчилари ташкилотга аъзо давлатлар иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида навқирон авлоднинг ўрни ва ролини ошириш масаласини муҳокама қилди.



ЁШЛАРНИНГ ЧЕТ ТИЛЛАРИНИ
ЎРГАНИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ
УЧУН ХАЛҚАРО ИМТИҲОНЛАРДА
ЮҚОРИ БАЛЛ ОЛГАН ЁШЛАРГА
КОМПЕНСАЦИЯ ТИЗИМИ ЖОРИЙ
ЭТИЛДИ. ХОРИЖДА ТАҲСИЛ ОЛАЁТГАН
ВА МЕҲНАТ ҚИЛАЁТГАН ЁШЛАР
БИЛАН ДОИМИЙ МУЛОҚОТ ЎРНАТИШ,
ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШ ҲАМДА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
МАҚСАДИДА ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ
УМУМЖАҲОН АССОЦИАЦИЯСИ
ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИ ЁШЛАР БИЛАН
ИШЛАШДА МУҲИМ ЎРИН TUTADI.

— Коронавирус пандемияси кўплаб, жумладан, ШХТ давлатларининг ижтимоий-иқтисодий фаровонлигига катта зарар етказди, — деди Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин. — Инқироздан ёшлар ҳам ўқиш ва малака ошириш нуктаи назаридан анча жабр кўрди. Ҳозирги учрашув ҳар қачонгидан долзарб. Шанхай ҳамкорлик ташкилоти ёшлар масалаларига ҳамшира катта аҳамият беради ва уларни фаолиятининг устувор йўналишларидан бири деб билади.

Учрашув доирасида Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган ШХТ ёшлари ўртасида энг яхши стартап лойиҳалар танловининг финал босқичи қойилбларини тантанали тақдирлаш маросими ташкил этилди.

Тошкент учрашувида ШХТга аъзо мамлакатларнинг ёшларга яратилаётган кенг имконият ва мавжуд имтиёзлар ҳақидаги маърузалари тингланди. Шунингдек, иштирокчилар ёшлар соҳасидаги илмий-техникавий ҳамкорлик, ёш мутахассислар учун узаро тажриба алмашиш майдонини яратиш, уларнинг салоҳиятини ошириш каби долзарб йўналишларда ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан фикр алмашдилар.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

АДАБИЙ ДЎСТЛИК — АБАДИЙ ДЎСТЛИК

Озарбайжон адиби

КИТОБИ ТАҚДИМОТИ

Фозил ФАРҲОД,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

2018 йили Озарбайжон халқ ёзувчиси Анар муаллим Тошкентда ўтган “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашганда Адиблар хиббонидаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг янги биносини кўриб, ижодкорлар учун бунёд этилаётган уйлар ҳақида эшитиб жуда хурсанд бўлган эди. Юртига қайтгач, бу ҳақда мақола ҳам ёзди. Таассурот Озарбайжон матбуотида эълон қилинди. Тақдирни қарангки, 2022 йил 10 июнь куни Анар муаллим хавас қилган бинода — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида унинг “Албатта учрашамиз” номли ҳикоялар ва қиссалар тўплами тақдимоти бўлиб ўтди.



Тақдимотни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид олиб борди. Тадбирда Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази директори Самир Аббосов, филология фанлари доктори, профессор Нурбой Жаббор, Ўзбекистон — Озарбайжон дўстлик жамияти ижрочи директори ўринбосари Гулбаҳор Ашурова, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоев, филология фанлари бўйича фалсафа доктори Олимжон Давлатов, филология фанлари номзоди, профессор Абдулла Улугов, “Гулистон” журнали бош муҳаррири, китоб таржимони Маматқул Ҳазратқулов сўзга чиқди ва тўпламининг ўзбек адабиётига қўшадиган ҳиссаси, таржима ва таржима таҳриридаги ютуқлар ҳақида гапирди.

— Аввал ҳам Анар муаллимнинг бошқа асарларини ўқиганман, — дейди Нурбой Жаббор. — Лекин барибир мана шу китоб унинг ёзувчи сифатидаги салоҳиятини ўзбек китобхонаига янаям тўлиқ, мукаммал етказадиган тўплам бўлган, дея бемалол таъкидлай олам. Китобдаги қисса ва ҳикоялар билан танишиш жараёнида Анар муаллимнинг шўро замонидаёқ дунёда тан олиниши сабабларини тушунагандайман. Ҳақиқатан, чинакам ёзувчи эканини англадим. Ҳикояларида ёзувчи тўғиб чиқарган бирорта воқеа йўқдай. Қаҳрамонлар, образлар ҳаммаси табиий. Ўқиб ҳайратга тушасиз.

Китоб “Тамаддун” нашриётида чоп этилди. Унга “Дантенинг юбилеи”, “Оқ кўчкор, қора кўчкор” номли қиссалар, шунингдек, 10 та ҳикоя киритилган. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Эркин Аъзам масъул муҳаррирлик қилган ушбу китоб таржимони Маматқул Ҳазратқулов.



Ўзбек ижодкорлари ва китобхоналари шу пайтга қадар ёзувчини “Анор” деб атаб келган. Китобда эса адибнинг исми “Анар” дея берилган. Сўзбошида мутаржим бунини шундай изоҳлайди:

“Бу китобга нима учун Анар деб ёздик? Гап шундаки, камина Анарнинг асарларини дастлаб ўтган асрнинг 80-йилларида таржима қилган эдим. Ушанда ўзбек тилида Анар деб ёзиш бироз эриш туюлганди. Очиги, Анар исмининг маъносини билмас эдим. Сабаби — ёзувчининг ўзи билан учрашмагандим. “Сизсиз” асари ҳали



эълон қилинмаган эди. Ёзувчи билан суҳбатларимиздан бирида бу ҳақда сўрадим. Кейин “Сизсиз” асарини ўқидим. Ана шу асарнинг биринчи саҳифасида қуйидаги сатрлар бор:

“Ўқувчилар билан учрашганда кўп сўрашади:

— Отингизнинг маъноси нима?
— Анар — англамоқ феълидан, англамоқ — ёдга солмоқ, англамоқ — ёдга солар. Анар — ёдга солади.
— Баъзилар отингизни бундай

шарҳлайдилар: Анам Нигар, Атам Расул.

— Йўқ, бу уйдирмадир. Ким толган бўлса ҳам мароқли чиққан. Аммо исминим ота-онамга нисбат берилмаган. Такрор айтаман: Анар — англамоқ феълидан, англамоқ — ёдга солмоқдир!”

Мана шунга асосан мазкур китобда адибнинг исмини асл ҳолида — Анар деб ёзишга қарор қилдик. Уйлайманки, бундан кейин ҳам кимки бу ёзувчининг асарини таржима қилса, Анар деб тўғри ёзди.”

Аслида, Анар асарлари ўзбек ўқувчисига жуда яхши таниш. Унинг “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” романи, “Оқ кўрфаз” қиссаси, “Дада Қўрқут” киноқиссаси, қатор ҳикоялари Усмон Қўчқор, Маматқул Ҳазратқулов, Бобохон Мухаммад Шариф, Рустам Жабборов каби таниқли ўзбек таржимонлари томонидан она тилимизга ўғирилган. Анар сценарийлари асосида ўн иккита фильм суратга олинган. Шулар орасидан “Хар кун соат ўн бирда”, “Кун ўтди”, “Тахмина”, “Шафқат элчиси” каби бадиий фильмлар алоҳида аҳамиятга эга.

Анар бир неча йиллардан бери Озарбайжон Миллий Ёзарлар бирлигини бошқаради. У адабий фаолияти ва жамоат арбоби сифатида ижтимоий соҳада амалга оширган ишлари учун Озарбайжон ҳукуматининг қатор мукофотларига лойиқ қўрилган. Улар орасида “Мустақиллик” ва “Шўхрат” орденлари, Озарбайжон давлат мукофоти, Чингиз Айтматов номидаги МДХ давлатлари парламентлараро ассамблеяси мукофоти ҳам бор.

Озарбайжон Миллий Ёзарлар бирлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўртасида ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган бўлиб, алоқалар доирасида ҳар йили Алишер Навоий, Заҳириддин Мухаммад Бобур ва Низомий Ганжавий

ижодига бағишланган анжуманлар, замонавий ўзбек ва озарбайжон адабиёти вакиллари асарларини ўзаро таржима қилиб, чоп этиш, шунингдек, ўзбек ва озарбайжон адабиётини тадқиқ этиш бўйича ишлар амалга ошириб борилади. Ўзбек ўқувчиси бугунги кунда Аёз Арабачи, Одил Мирсайид, Адолат Аскарқўли, Расим Қарача, Қўли Оқсос, Зоҳир Азамат, Оқсин, Хаёл Ризо, Илғор Фаҳмий каби шоирларнинг, Теҳрон Аҳсанқўли, Рафиқ Хошимов, Элчин Хусайнбейли, Мақсад Нур, Фирўз Мустафо каби ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилида мутолаа қилган. Бугунги кунда озарбайжон адабиётининг фаол таржимонлари сафида Тоҳир Қаҳҳор, Карим Баҳриев, Хосият Рустамова, Бобохон Мухаммад Шариф, Рустам Мусурмон, Рустам Жабборов, Раҳмат Бобохон каби фидойи ижодкорларни санаш мумкин.

Айни дамда нашрга тайёрланаётган “Туркий адабиёт хазинасидан” 100 жилдлик асарлар мажмуасида ҳам озарбайжон мумтоз ва замонавий адабиётига муносиб ўрин берилган.

Тўғри, тақдимотда Анар муаллимнинг ўзи қатнашмади. Аммо унда иштирок этган ҳар бир ижодкорнинг кўнглидан, назаримда, шундай эзгу уй ўтди: “Тез фурсатда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида, Адиблар хиббонида китоб муаллифи билан албатта учрашамиз”.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1890
85744 нусхада босилди.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусаҳҳих: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎЗА яқини — 22:35 Топширилди — 00:50

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: info@yuz.uz